RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ислом КАРИМОВ: *Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда.*

O'ZBEKISTON OVOZI

2000 ЙИЛ 25 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА

№ 50 (25.600).

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

ЮРТГА ҚАЙТГАН ТУРНАЛАР

«Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи қошидаги ўйлар

Мен бу ерга ёзиш учун келган эдим. Билдимки, мажмуа ҳақида ёзиш осон эмас экан. Мен аввал ҳам бу ердан кўп бора ўтганман. Фақат бу гал ҳаяжон ва титроқ билан ўтдим. Негаки, ёзиш маъсулияти бор эди. Бу ердан автобус ёки машинада ўтиб бўлмайди. Бош эгмасдан ҳам ўтиш мумкин эмас. Бу ерда Қодирий ётибди. Элбек ётибди. Фитрат ётибди... Ана қирғоққа урилиб анҳор оқаяпти. Ўттиз еттинчи йилда қандай оққан экан бу анҳор? Бу ердан озодликнинг, эркнинг иси келади. Озодлик... Инсон яралгандан бери унга интилиб яшайди. Баъзида Муқанна, баъзида Усмон Носир қиёфасида... Улар кўп эдилар. Улар озодлик истаган турналар эди. Уларни отдилар. Аслида уларни отиш гуноҳ эди. «Турнани отганнинг кўзи кўр бўлади», — дейди халқ. Уларнинг жисмини отдилар, холос. Руҳни отиб бўладимми?! Озодлик истаган руҳга ўлим борми?! Йўқ! Ўлим йўқ. Чўлпон ёзганидек: «бир сўниб ёниш бор...». Мен бу ерда Ҳожи Муинни кўрдим. Сўфизоданинг файласуфона нигоҳини, Мунаввар қорини, Файзулла Хўжаевни кўрдим. Турналар юртга қайтибди. Турналар озод юртга қайтадилар. Бу ер Тошкентнинг энг баланд жойи эди. Бу ердан ўтишга одамлар қўрқар эди. Жарликдаги қамишлар совуқ шитирлар эди бу ерда. Худди тузум каби совуқ эди уларнинг шитири.

Ўзбекнинг буюклари, миллатнинг номуси қулаган жарлик... Мен жуда кўп уриндим. Лекин ҳеч Чўлпоннинг ўлимолди нигоҳини тасаввур эта олмадим. Ҳарқалай, Чўлпоннинг кўзлари илтижоли боқмаган бўлса керак. Бу кўзлар ўлимга тик боққан. Сўраса, жонига ором эмас, халқига бахт сўраган. Миллатга УЙҒОНИШ сўраган, ОЗОДЛИК сўраган. Бу бошлар эгилишни билмаган. Эгилса, худо олдида, тангрининг буюк иноятн ИНСОН РУҲИ мўъжизалари олдида эгилган. Улар эзгулик йўлида тиним билмаган. Ўзим етмасам болам, болам етмаса, набирам етади, деб ўйлаган улар. Бизни, сизни ўйлаган улар. Бугунги кунимизни ўйлаган улар. Мустақил Ўзбекистонни ўйлаган улар. Инсон буюклигининг чеки-чегараси йўқ, — ўйлайман ичимда. Буюкликнинг чегараси йўқ, тубанликнинг ҳам. Буюклик ва тубанликнинг курашидан иборат асли дунё. Атрофга аланглайман. Наҳотки, шу ерда боболар отилган. Наҳотки, бу ўша анҳор. Наҳотки, бу ўша одамлар ўтишга қўрққан совуқ жарлик. Ҳеч ердан совуқ йилларнинг асоратини тополмадим. Мустақиллик дегани шу бўлса керак-да! Мустақил ватанда совуқлик ҳукм сурмайди. Мустақиллик инсонни улуғлайди. Ҳурлик истаган инсонни ҳеч кимга билдирмай отиб юбормайди. Ҳеч кимни суд қилмасдан, айбини бўйнига қўймасдан жазога тортмайди. Инсон ҳуқуқларини муқаддас билади мустақиллик... Атрофда улкан ишлар кетаяпти. Ҳамма ишлаяпти. Шаҳидлар хотирасига меъморий ёдгорлик тикланаяпти бу ерда. Янгиланиш, инсон учун, унинг бахт-саодати учун ислоҳот кечаяпти бу ерда. Озодлик улуғланаяпти бу ерда. Асрлар қаъридаги минглаб тўсиқлардан омон чиқа олган озод инсон руҳи улуғланаяпти бу ерда. Улар кўп эдилар. Улар ҲУРРИЯТ истаган турналар эди. Уларни отдилар. Жисмини отдилар. Руҳи биз билан сизнинг қиёфангизда, дуога қўл очаётган боболар, бийрон сўзлаётган гўдаклар, турмуш қураётган ёш йигит-қизлар, бир сўз билан айтганда, буюк давлат қураётган бутун бошли халқ қиёфасида яшаяпти. Бу ер муқаддас қадамжо бўлади. Бу ерга келган инсон ўзини, кечаги кунини, бугунини, эртасини танийди. Бу ерга ёвузлик келмайди. Бу ерга инсонни инсон этган муқаддас туйғулар келади. Эзгулик келади. Мен бу ерга ёзиш учун келган эдим. Билдимки, шаҳидлар ҳақида ёзиш осон эмас экан...

■ **Шуҳрат ОРИФ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ИЛМИЙ МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Республика давлат шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали фаолият кўрсата бошлади. Марказ учун Бухоро шаҳар касалхонаси эски биноси тикланиб, у ўн бир ой ичида сифатли таъмирдан чиқарилди. Президентимиз ғамхўрлиги ва бевосита назорати остида бу ерда қарийб 300 миллион сўмлик иш бажарилгани ҳамда керакли асбоб-анжомлар билан тўла таъминланиши «Соғлом авлод» йилида бухороликлар соғлиғини муҳофаза қилиш юксак талаблар даражасига кўтарилганидан дарак беради.

Илмий марказнинг очилиш маросимида Республика бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов сўзга чиқиб, тўпланганларни қизғин қутлади ҳамда Ибн Сино ворисларига ғайрат шижоат тилади.

Вилоят ҳокими, Олий Мажлис депутати Самойиддин Ҳусенов марказга «Дамас» тез ёрдам машинаси калитини топширди.

Тантанада Республика соғлиқни сақлаш вазири Ф. Назиров иштирок этди.

■ **Даврон БАҲРОНОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 25 апрелдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади**

1 Австралия доллари	88,58
1 Австрия шиллинги	10,18
1 Англия фунт стерлинги	236,17
10 Бельгия франки	34,74
1 Голландия гульдени	63,59
10 Греция драхмаси	4,18
1 Дания кронаси	18,80
1 БАА дирхами	40,67
1 АҚШ доллари	149,38
1 Миср фунти	43,61
10 Испания песети	8,42
100 Италия лираси	7,24
1 Канада доллари	101,40
1 Хитой юани	18,04
10 Люксембург франки	34,74
1 Малайзия рингтити	39,31
1 Германия маркаси	71,65
1 Польша злотийси	34,81
1 СДР	199,89
1000 Туркия лираси	0,25
1 Финляндия маркаси	23,57
1 Франция франки	21,36
1 Швейцария франки	89,18
1 ЕВРО	140,13
10 Жанубий Корея вони	1,35
10 Япония иенаси	14,14
1 Россия рубли	5,23
1 Украина гривнаси	27,56

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарнр ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

ЙИЛ ОЙ КУН

НАВОИЙДА ХАЙРИЯ МАРАФОНИ

Вилоятда ўтказилаётган тадбирлар яна биттага бойийдиган бўлди. 26-27 апрель кунлари вилоят ҳокимлиги халқ таълими бошқармаси, соғлиқни сақлаш бошқармаси, спорт қўмитаси ҳамда «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳамкорликда хайрия марафони ўтказадиган бўлишди. Бу тадбир соғлом авлодга бағишланган илмий-амалий анжуман билан уйғунлашади. Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган ҳамда кам даромадли оила фарзандлари учун турли дарсликлар ва кўргазмали қуроллар тақдим этиш мўлжалланган. Йиғилишда эса «Болалар ва ўсмирлар ижодиётини шакллантириш», «Чекмасдан ёшлик гаштини сур», «Ёшлар сизда қандай ғоя бор?», «Қизлар ҳаёт бўсағасида» мавзуларида суҳбатлар уюштирилади.

■ **Ўткир ПЎЛАТОВ**

РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ҚАТНАШАДИ

Наманганда жорий йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган шахмат бўйича жаҳон чемпионатининг минтақавий саралаш турнири ниҳоясига етди.

Жаҳон чемпионатига бериладиган икки йўлланма учун ўзбекистонлик Рустам Қосимжонов, Александр Ненашев ва қозоғистонлик Евгений Владимиров ўртасида қизғин кураш бўлиб ўтди. Унда ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов ва қозоғистонлик Евгений Владимиров ғолиб чиқди.

«ҲАҚ — РОСТ» — ДИЁНАТГА ДАЪВАТ

Таниқли журналист, шоир ва драматург Йўлдош Муқимов анчадан буён ҳадис илмида Амир ал-Мўминин деб тан олинган Имом ал-Бухорий ҳаётини ўрганиб келарди. Узоқ йиллар давомидаги изланишлар туфайли драматург «Ҳақ — рост» драмасини ёзди. Яқинда қадимий Бухородаги С. Айний номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театрида ушбу драманинг премьераси бўлиб ўтди.

Драмани Ўзбекистон халқ артисти Убайдулла Баҳоев саҳналаштирди. Ал-Бухорий сиймосини саҳнада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шамсиддин Йўллиев гавдалантирди. 600 мингдан зиёд ҳадисни тўплаган 20 дан ортиқ асарлар муаллифи Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ҳаёти ва ижодидан ҳикоя қилувчи «Ҳақ — рост»нинг театр саҳнасида қўйилиши истиқлол туфайли буюк муҳаддиснинг яна ўз она-шаҳрига қайтганининг рамзидир. Диёнатга даъват этувчи бу драма бухоролик томошабинларда катта таассурот қолдирди.

НУКУС МУЗҚАЙМОҒИ

Нукус гўшт-сут савдо очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида музқаймоқларнинг тўрт тури тайёрланмоқда. Музқаймоқларнинг сифати яхши, нархи анча арзон. Тахиатош шаҳрида, шунингдек, Нукус, Кегайли туманларида музқаймоқ сотадиган нуқталари ишлаб турибди.

— Сменада бир тонна музқаймоқ тайёрлаб, савдо нуқталарига чиқармоқдамиз, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Маткарим Отабоев. Кейинча мижозларимизнинг талабларига қараб уч тонна ва ундан кўпроқ музқаймоқ ишлаб чиқаришни мўлжаллаяпмиз.

Музқаймоқдан ташқари, бу ердаги новвойхона цехида буханка, оби нон, кулча каби нонларнинг 4-5 хили ишлаб чиқарилаётир. Бундан мижозлар миннатдор бўлмоқдалар. Яқин келажакда Италия қандолат линияси қурилиб ишга туширилгач, камида 5-9 турдаги печенье ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариладиган бўлади.

■ **Рейимбой ЕШИМБЕТОВ**

МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси жаҳон авиаташувлар бозорида ишончли ҳамкор сифатида обрўга эга. Ўзаро манфаатли шартларда кўплаб хорижий фирмалар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Россия авиаторлари билан ҳам ҳамкорлик жўшқин ва барқарор ривожланаётир. МДҲ бозори миллий авиакомпаниямиз учун алоҳида ўрин тутади. Россиянинг кўплаб минтақалари ва Ҳамдўстлик мамлакатларида Тошкент орқали дунёнинг турли давлатларига, айниқса, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларига парвозлар учун барқарор эҳтиёж қайд этилаётир. Бу борада «Ўзбекистон ҳаво йўллари» боғланиш бўйича қулай ва ўта қисқа йўналишларни таклиф этмоқда. Дарвоқе, энг замонавий техника — «А-310», «Боинг-757» ва «Боинг-767» самолётларимиз йўловчиларга жаҳон даражасида хизмат кўрсатмоқда. Бундан ташқари, Россия бозори ўзбекистонликлар учун кўп жиҳатдан яхши таниш. МДҲ мамлакатларига бажарилаётган қатновлар рентабеллиги эса ўта юқори. Чунончи, ўтган йили йўловчи ташишлар бўйича энг катта ўсиш айнан МДҲ бўйича эришилган. Шундан келиб чиқиб авиакомпания раҳбарияти Россия Федерациясининг турли минтақаларига қатновларни ривожлантиришга ва ташувларга чипталар сотиш шаҳобчасини кенгайтиришга катта эътибор бераётир. Бу борада Россиянинг авиакомпаниялари ва аэропортлари билан кўп йиллардан буён манфаатли ҳамкорлик олиб борилмоқда. Айниқса, транспорт хизматлари борасида мавқеси баланд бўлган «Ист Лайн» авиакомпанияси билан яхши амалий муносабатлар қарор топган. Ушбу авиакомпания ойига 170 дан ортиқ юк ва 25 йўловчи қатновларини халқаро ва ички йўналишларда амалга оширмоқда.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» қарийб 5 йилдан буён «Ист Лайн» авиакомпанияси билан ишлаётир, жаҳоннинг турли нуқталаридан Москвага юклар ва йўловчилар ташиш бўйича буюртмаларни бажариб келаётир. Мана энди улар янги битимни имзолашди. Ўзаро манфаатли ҳамкорликни кўзда тутувчи мазкур ҳужжат МДҲдаги 2 нуфузли авиаташувчилар ўртасида ҳамжиҳатлик мустаҳкамланаётганидан яна бир гувоҳлик беради.

■ **Алишер РЎЗИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири



Тошкентдаги Амир Темур кўчасининг қуш парвоз этадиган баландликдан кўриниши.
Рустам ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

КЎРГАЗМА ОЙНАСИ

Қашқадарё вилоятининг Усмон Юсупов туманида матбуот нашрлари билан танишиб бориш мақсадида кўпгина ишлар амалга ошмоқда. Туманнинг Жейнов ширкат хўжалигида илк бор республика газеталарининг кўргазмали ойнаси ташкил этилди. Ундан «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Фидокор», «Ишонч» каби ўндан ортиқ кундалик газеталар жой олди.

Ушбу матбуот ойнасининг афзаллиги миллий мафкура мавзусидаги мақолалар, хукуматимиз қарорларидан халқимиз бохабар бўлиши, маънавий онгини ўстириш, ҳуқуқий билимларини бойитишга катта туртки беради. Газеталарнинг тиражлари кам бўлиб турган бир пайтда аҳолини газеталар билан таъминлашнинг энг яхши усули шу-да!

УЙДАГИ ГАП КЎЧАГА ЧИҚДИ

Андижон шаҳар ҳокимлиги диққатига!

Таҳририятимизга Андижон давлат тиббиёт институти доценти, олий тоифали шифокор М. Зуҳриддинов кириб келди. У кишининг муаммолари «Андижоннома» газетасида 2000 йил 22 январь куни ёритилган экан. Аммо орадан шунча вақт ўтса ҳам ҳалигача муаммо ечилмапти. Сабаби жойлардаги раҳбарларнинг вилоят газетасига беэътиборлигими? Билолмадик.

Келинг, муаммонинг асл моҳияти билан танишиб чиқайлик: Андижон шаҳридаги 3-кичик даҳа, 40-уй 1980 йилларда тажриба тариқасида қурилган, яъни уйнинг ер ости қисми машина сақланадиган гараж қилинган. Бироқ мазкур уйда истиқомат қилаётган аҳолига шовқиндан, турли газлардан сақланиш учун ҳеч қандай шароит яратилмаган. Ҳаво сўрғич, шовқин қайтаргич мутлақо ўрнатилмаган. «Айниқса, машиналар жойидан юргизилганда, ундан чиқаётган тутун ва бензин ҳиди бутун хонадонимизни қоплаб олади. 20 йилдан буён шаҳар раҳбарлари оддий масалани ҳал қилишда нўноқлик қилишмоқда», — дейди М. Зуҳриддинов.

Албатта, ёзма равишда қилинган арз беэътибор қолмайди. Масалан, 1996 йилда Андижон шаҳар ҳокимининг 288-Ф сонли махсус фармойишида кўрсатилишича, мазкур муаммо тез ҳал қилиниши керак эди. Аммо қоғоз, қоғоз эканда, ҳеч ким эътибор бермади. Жабрдийдалар эса қоғозга ишониб, яна тўрт йилни турли газлардан нафас олиш билан ўтказди. Юртбошимиз 2000 йилни «Соғлом авлод» йили, деб эътироф этди. Ҳатто ушбу тадбирнинг жойларда қандай ҳал этилаётгани мазкур муаммодан ҳам маълум. «Мен ва хотиним олий тоифали шифокормиз. Илмий иш билан шуғулланишимизга шовқин жуда халал бераяпти», — дейди жабрдийда.

Қизиғи, 1999 йилда шаҳар прокуратурасидан текширгани боришган ва мазкур уйда яшовчиларнинг талаби тўғри эканлиги қайд қилинган, ҳатто ижобий ҳал этиш учун алоҳида амрнома ҳам чиқаришибди. Ижрога келганда эса «иш битди», қабилида иш қилинган. Ҳойнаҳой, Андижон шаҳрида буйруқ берувчи бор, аммо бажарувчи йўқ, яъни ҳамма раҳбар бўлса керак, тағинам ким билади дейсиз. Йўқса муаммони уйдан кўчага олиб чиқиб юришардими, дарров жойида ҳал қилиб, элу юртнинг дуосини олиб юришмасмиди.

■ **Юсуф ЖЎРАЕВ**

АССАЛОМ, «ФЬЮЧЕРС»

Андижон теннис маркази кортларида жаҳон профессионал теннисчиларининг «Фьючерс» (Истиқбол) анъанавий халқаро турнирининг саралаш ўйинлари якунланиб, биринчи давра беллашувлари бошланди.

Биринчи даврада республикамиз шарафини ҳимоя қилувчилар орасида машҳур теннисчи Д.Томашевич, унинг укаси К.Томашевич ва бошқа маҳоратли спортчилар бор.

Андижон теннис кортларини жаҳон андозалари асосида таъмирлангани хорижлик меҳмонларга манзур бўлди. Бу турнирга жиддий ҳозирлик кўрилганидан, Ўзбекистонда теннис ривожланаётганидан далолатдир.

■ **А. СОЛИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета ____ Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

2000 учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга ____ (почта индекси) ____ (манзилгоҳ)

Кимга ____ (Фамилияси. исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

п.в Жойи

Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга ____ (почта индекси) ____ (манзилгоҳ)

Кимга

ЧЎЛПОН:

ВАТАН — БИЗИМ ЖОНИМИЗ, ФИДО ЎЛСУН ҚОНИМИЗ!

Бу мисраларда ўкинч бор. Оғриқ ва жароҳат, азобли кунлар гирдобида иродаси букилмаган бобомизнинг аламли иқрори. Бугун Чўлпон десак, XX аср адабиётнинг порлоқ юлдузи, ғўзал исён, тафаккур қуёши ҳадсиз осмонларни ёритган миллатнинг асл ўғлони кўз олдимизда намоён бўлади. Нур зулматда чўкмайди, ёриб ўтади. Истеъдод дами қилични қайтаради, бўронни ёқиб юборади. Абдулҳамид Сулаймон ўғли элни зуғум кишани тушовлаб, қуллик салтанати тантана қилган кезларда ҳурлик овози бўлиб майдонга чиқди. Халқ ҳузурида ўзингни бил, бирлаш, оёқ остида қолиб кетма, бунчалик хўрланма, деб баралла қуйлади. Тасаввур қилайлик, ҳамма тақдирга тан бериб гандираклаган кўйи бир тарафга оқаётган палла элнинг йўлини тўғон янглиғ тўсиб, оқимга қарши туришни нима деб изоҳламоқ мумкин? Бу қандай куч? Бу куч қандай пайдо бўлди? Ҳаёт шу, биз шундай яшаймиз, шунга кўникканмиз, деган оломонга сен зимистонлик ичрасан, қулсан, сени хўрлашаётганини сезмаяпсан, бу йўлдан қайт, бундай яшаб бўлмайди, дейиш учун инсоннинг қалбидаги ғалаён тўлқини қай бир қиёсга сиғади? Бу қандай матонат?

Улуғ Чўлпон зулматли кўк ичра порлаган, ҳурлик рамзи сифатида чарақлаб чорлагувчи юлдуз эди. Бу ёруғлик ғаддор жамият, хоинлик урчиган тузум, бир бурда нон учун ўзлигини йўқотган авомга ўт бўлиб, олов бўлиб туюлар эди. Аммо, ҳеч қачон бир халқни, бир ватанни тагтомири билан йўқотиб, «янгилаб» бўлмас экан. Агар шу иш уддасини топганда, албатта, қатағон даврларда бизнинг миллатимиз тафаккури хира тортиб, юртимиз тўлатўкис оёқ остида қолиб кетарди ва тарих қонуниятлари тупроққа қоришар эди. Лекин, миллатнинг ҳам, ватаннинг ҳам замин қаърига чуқурроқ сингиган ўқ илдизлари бўлади. Чўлпон кабилар ер юзидан супуриб ташланишга маҳкум, руҳияти занжирбанд этилган миллат дарахтининг ўқ илдизлари эди. Душман ана шу ўқ илдизларга болта уриш пайти келганлигини пайқади. Бунинг учун уларга айб тақаш зарур. Гуноҳ сиртмоғини ясаб, бўйинларига осиш керак. Бу осон иш эмас. Сен халқингни ҳур яшашини ҳоҳлаб қолдинг, биз халқингни қулликда тутмоқчимиз, деб бўлмайди. Бу билан қора парда кўтарилиб қатағончилар тузумининг қиёфаси намоён бўлиб қолади. Осон йўли топилди — ҳурриятчиларга «халқ душмани» деган тамға босиш. Даҳшат, халқим озод бўлсин, халқ бўлиб яшасин, ол кишанингни, эркимизга қўйиб бер, дегувчилар халқ душмани бўладими? Бўларкан. Зўравонлик мушти бошлар устидан гурзи бўлиб тушса, ўйлашга имкон берилмаса шундай бўларкан. Ўшанда замин тескарига айланди. Уйғоқ нигоҳларга қум сочилди. Миллатнинг тоза гуллари ёппасига қирилди. Қатлиом бошланди. Табиийки, Чўлпон янглиғ гуриллаган оловлар, зўравон тузумга даҳшат солганлар биринчи галда йўқ қилиниши лозим эди.

Чўлпон «ёт унсур», «халқ душмани» бўлди. Уни кенг қамровли озодликпарвар шеърлари тузумнинг тинчини бузди. Бугун Чўлпон адабиёти, Чўлпон ижоди, Чўлпон бошга тож қилган ғоялар ҳақида узоқ гапириш ниятимиз йўқ. Бу борада замондошларимиз тиниқ тасаввурга эгадирлар.

Бугун бошқачароқ мавзуда сўзлашсак, дейман.

Халқни севаман, ватанни улуғлайман, деб ёлғон шеърлар ёзган одамнинг иродаси ўлим олдида минг бора тўкилади, синади, эгилади, қўрқоқлик қилади. Чин шеър эса — шоирнинг қасами. У айтганидан қайтмайди. Чин шеър шоирнинг кўнглидан дард бўлиб отилади. Бу изтироб ўлимни ваҳимага солади. Чўлпон шу боис ўлимга тик қарарди. Этни сескантирувчи совуқ ва тор, зимистон хонада ўз ўлимини кутиб, ёғий олдида бош эгишни афзал билмаслик учун шоирнинг қалби, бутун ўй-хаёли, орзулари халқники, миллатники бўлмоғи керак. Ўзини халқ фарзанди деб билган шоир ўлим олдида ҳам нурли кунларини ўйлаб ўққа учишга шай турарди.

Чўлпон ўлимни озодлик тимсолида қарши олди.

Ўша кеч ўлим ҳиди келди. Ҳибсхонанинг қалин эшиги шарақлаб очилди. Оч-наҳор, лекин ботинида қатъиятлик исён уриб турган шоир очиқ эшикка қаради. Қотил кирди.

— Чиқ ташқарига!

Шоир тун билан юзлашди. Қамоқхонанинг биқиқ бурчида увишган оёқларини базўр босарди. Сезиб турибди. Бу кеч уни отиб ўлдирадилар. Бўғзига тиқилган аламни қон аралаш ичга ютди. Кўкка боқди. Юлдузлар хира тортган. Сукунатнинг совуқ илжайишини ҳис этди. Кўк юлдузлари заминнинг порлоқ юлдузини ўз ёнига чорламоқчидек.

Миллатнинг ўқ илдизларидан бири ҳозир йўқ қилинади. Шўрлик, жабрдийда халқ яна бир ўғлонидан, тирик фикр фарзандидан жудо бўлади.

Эй одам боласи, бу қандай куч? Бу қандай ирода? Ўлим сари бораяпсану, нурли ўйларинг қўрқувнинг йўлини ёритиб турибди. Қўрқув чекинмоқда. Рўпарангда олов сочиб жонингни олгувчи қурол қаршисида тик туриб ҳам ўз орзуларинг гирдобидан чалғимаяпсан? Эй одам боласи, ўз халқи ва келажагига бундан улуғ сабоқ бўлиши мумкинми?

Ўқ отилди. Юлдуз самога учди. Унинг нури миллионлаб ситамгирлар кўнглига тиғ янглиғ санчилди. Бу ёруғ азоб эди.

Чўлпоннинг ўлими... Миллат бирикмаса, халқ ўзини танимаса, келажагини вайрон қилади. Улуғларидан жудо бўлади.

Чўлпоннинг ўлими... Аҳли ижод ичидан хоинлар кўпайса, ўз илдизига болта уради. Келажагини сотади.

Чўлпоннинг ўлими... Ҳуррият йўли жуда азобли эди. Уни босиб ўтмоқ осон кечмади.

Чўлпоннинг ўлими... Ўзбекнинг кеча бошидан кечирган зулмлари. Қора кунлари.

Чўлпоннинг ўлими... Бугун кечани англаб, эртамиз учун керак бўлса, ўққа учмоққа куч топа билишимиз учун ўтли сабоқ.

Чўлпон кабилар бизга нимаси билан суюкли? Бизни, келажагимизни сотмаганлиги билан.

Чўлпон бобомиз орзуси ушалди — бирикдик, жипслашдик. Озодликни қарши олдик.

Чўлпон бобомизнинг зимистон тортган тунлари, оғули кундузлари бугун авлодлар хотирасида.

Чўлпон бобомиз кабиларга бугун миллат эҳтироми сифатида «Шаҳидлар хотираси» мажмуи тикланяпти. Аслида миллат болалари қалбида ҳурликсевар зотларнинг бари озодликнинг буюк тимсолини бунёд этишган эдилар. Бу тимсол ўз халқини Истиқлол сари бошлаб, аждодлар руҳини шод этган Ислом Каримов ташаббуси билан ҳаётий бир маъно касб этди. Мамлакатимиз пойтахтида барпо этилаётган «Шаҳидлар хотираси» мажмуи бизнинг Чўлпон каби боболаримиз руҳи олдидаги қарзимизни фарз деб билишимиздир.

Ўзбекистонликларнинг буюк музаффар кунлар қадрига етмоқликка — бугунни улуғламоққа чорлагувчи даъват ҳамдир бу майдон! Авлодлар бу майдонда эртамизни кўз қорачиғидай асрамоқни ният қиладилар.

Биз ҳушёр тортамиз — бизга шу кунларни кўп кўргувчилар бор. Чўлпонларни, элнинг тоза болаларини йўқ қилмоқ истагида кўнгли заҳар бойлаганлар бор. Озодлигимизга ўқ отгувчилар бор. Биз бу кунларни қон тўкиб олдик. Миллатнинг сара бошлари жаллод болтасида чопилди.

Биродар,
Дўстим,
Ўғлим,
Қизим,
яхшироқ боқинг, қаранг, бизнинг қулликда қорайган кунларимиз ҳақида сўзлаяпти бу майдон. Ҳис қилинг. Бу майдон осмонида юзлаб Чўлпонлар бизга термулиб турибдилар.

Энди ўққа учмаслигимиз учун,
Хору зор яшамаслигимиз учун

бу майдонда бош эгиб, яхшиларни хотирланг. Эшитаяпсизми, Чўлпон кабиларнинг шеърлари, ўтли сўзлари жаранглаяпти.

■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ**

СОҒЛОМ АВЛОД КАМОЛИ

КЎНГИЛ МУЛКИГА БОЙЛИК ТОПИЛМАС

Тўққиз йилдирки, мустақил юртимизда келажак авлодга обод ва озод Ватанни қолдириш йўлида саъй-ҳаракат қилинмоқда. Хўш, келажаги буюк давлатга кимлар ворислик қилади. Албатта, истиқлол тенгдошларию эндигина туғилиб ҳурлик нафасидан энтикаётган мурғакларга умид боғлаганмиз. Улар соғлом бўлиб шаклланиши учун алоҳида дастур ишлаб чиқилган. Кенг кўламли бу тадбирни рўёбга чиқаришда махсус комиссия фаолият кўрсатмоқда. Ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш олти устувор йўналиш бўйича амалга оширилмоқда. Бугун ана шу йўналишларнинг бири ҳақида мулоҳаза юритамиз.

Ўзбекнинг хонадонида меҳмон бўлган ўнлаб хорижлик хонимлару бекалар фарзандларимиз тарбиясидаги ўзига хослик, бетакрорликдан ҳайратланишларини яширимаяптилар. Боиси, бизда бундай тарбия азалий, тажриба тўпланган, шаклланган. Бу аввало ота-онага меҳр, ўз жигарларига оқибат, дўстликни қадрлаш, меҳнатсеварлик ҳамда илм исташ каби фазилатларда мужассам. Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл, маҳалла ота-онанг, отанг ўтирган уйнинг томидан юрма, жаннат онангнинг пойидадир, деган пурҳикмат нақллар қайси халқ тарбиясида бор.

Болаларимиз комил инсон бўлиб улғайсалар, соғлом авлод шакл топгусидир. Мақсад — эркин шахсни камол топтириш. Тўғри, бизларга Алпомиш, Барчинойлар керак. Улар элу юрт фахри, ифтихори, Ватан довруғини жаҳонга овоза қилиш омили. Зеро, жисмоний баркамоллик маънавий етукликка эш бўлса, янги инсон тимсоли айни муддаодан нишона берар. Чунки, қувваи ҳофизаси кучли инсон шахс ва жамият олдида юз бергувчи ҳар қандай мушкулотлар ечимини топа олади. Энди юксак савия соҳиби бўлсаю заруратда Ватан мудофаасига қалқон бўлолмаса, яъни ажойиб спортчи эканини намойиш этолмаса, комилликка эришолмагани кўринур. Яна ақл-идроклі, муносиб эл-юрт ҳимоячиси бўлсаю, иймонни унутса, ватанпарварлик туйғусига зиён етиши ҳеч гапмас.

Шундай, иймонлида сабр, инсоф, виждон бор. Муҳими, Ватанни севишлик бор. Ватан эса буюк саждагоҳ. Не ажабки, ёшлар ўртасида ҳар қандай ижобату мушкулотни моддий манфаатдорлик ҳал қилади каби фикр юзага келган. Хўп дейлик. Лекин пул, моддий неъмат топиб, ақл топмасак нафи нима бўлади. Сўзсиз ўнта ялқов, лоқайд, боқиманда, сусткаш, дидсиздан битта фаол, ишнинг кўзини биладиган тадбиркор афзал. Аммо у боболаримизга хос маънавиятга суяниб, замонасозлик қилиб, иқтисодиёт талаблари асосида иш юритиб, эл-юрт фаровон ва ободлигига камарбасталик қилолмаса, ёмғир оқавасидек тинади-қолади. Боиси, ҳалоллик, харом-харижга эътибор, рози-ризолик, саҳоват, меҳр-оқибат, шафқат, ҳиммат ўзбекона фазилатлардан.

Бундай сифатларни шакллантириш мактабгача тарбиядан бошлашни тақозо этади. Абдулла Авлоний айтмоқчи: «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласи» бўлиши лозим. Бир киши Луқмони ҳакимга болам уч яшар бўлди, энди унинг тарбияси билан шуғулланса бўлар, деганда, у борада уч йилга кечикибсиз, деган экан. Бу фалсафани давримиз олимлари ҳам тасдиқлашмоқда. Уларнинг эътирофича, 5-7 ёшли болакай ўзини комил инсондек ҳис этаркан. Улар ўзларини катталардек тутишлари ҳам шундан. Оллоҳнинг марҳамати ила бундай ёшдагилар умр бўйи таълим-тарбия, дунёни идрок этиш, оқ-қорани таниш масаласида билганларини тошга ўйилгандек онгларига сингдириб бўлишаркан. Улғайиш йиллари эса шу билганларини ўзига хос тафтиш, таҳлил ва бойитиш билан боғлиқ ўтаркан.

Аёнки, янги меҳмон дунёга кулиб келмайди. Фарёд солади. Билъакс, чинқироғининг руҳи тетик, яшовчан, яъни ҳали йўққа пайтиданоқ ўзининг кимлиги билан ҳисоблашишга даъват этаркан. Бундай гўдаклар эса соғлом оилада, соғлом қон, барқарор ирсият соҳибларига хосдир. Миллат генофондининг соғломлиги эса, экология, демографик, ижтимоий-иқтисодий омилларга боғлиқ. «Даюс жаннатга кирмайди» дейилади ҳадисларда. Қандай қилиб даюс сифатлилар хотини, синглиси ё қариндошларини хориж тижоратига боришлари учун изн бериб ўтирса, бола тарбияси нима бўлади?

Табиат мувозанати муҳим. Одам табиатида ҳам ана шундай табиийлик борки, у ўта нозик ва нафислик билан ажралиб туради. Шунинг учун она табиатида қанчалик барқарор, бокира, яъни руҳ ва жисмоний уйғунлик юзага келса, соғлом болага макон яралади. Туғилишлар оралиғини уч йил таътил билан белгилаб қўйилгани ҳам шундан. Ҳатто, ҳомиладорликни авайлаб-асраш, бўлажак онага фақат гўзалликни раво кўриш, оилавий келишмовчиликларга барҳам бериш, тинч-осуда турмуш тарзини юзага келтириш янги меҳмонни соғлом, ўсувчан бўлишига замин эканини унутиб бўлмайди. Болаларни балоғатга ўтиш даврида оилада кўрган-кечирганларидан кўра, кўча-кўйдаги ҳодисалар кўпроқ қизиқтираркан. Бу даврда улар эътиборталаб бўладилар. Бизлар эса уларнинг руҳларини поклашга интилганимиз маъқул. Кўпгина хатоликлар, гуноҳлар, нуқсонларни бош сабаби билмасликдир. Инсон боласи борки, билмаганни билишга, кўрмаганни кўришга қизиқади. Уларни тўғри йўлга солишда ота-она, ўқитувчию мураббийлар зийрак, билимдон, фаросатли бўлишмаса, тарбияга путур етгусидур. Айниқса, оила, мактаб, маҳалла бу борада ҳамфикр, ҳамкорликда узлуксиз бўлишса. Ўғил-қизларимизнинг руҳини бойитиш катта масала. Кўтаринки руҳ қандай юзага келади. Яхшилик, эзгулик йўлини тутишликдан. Яхшилик қўлингдан келмаса, ёмонлик қилма, деб бежиз айтилмаган. Боболар дуосини олиш, савобли ишларга камарбасталик ҳам руҳни кўтаради. Руҳи баланд бола эса ишчан, фидокор, ташаббускорликда аввали, дўстлари, оиласи эл-юрти қувончташвишларига ҳамнафас бўлиб, ўзликни англашга, қадриятларни эъзозлашга интилиб, бой маънавий меросимиз билан фахрланади.

Яна бир гап, назаримизда юқори синф ўқувчиларини соф муҳаббат туйғусида тарбиялаш зарурат. Афсуски, устозлар асосий билимларга куч бериб, инсон камолотидаги бундай нозик масалаларга четлашга уринадилар. Ваҳоланки, бу иборага чуқурроқ кириб бориш, ёшларни ўша Отабек — Кумуш, Мирзою Раъноларнинг чин севгилари тимсолида суҳбатлар қуриш, фақат соф муҳаббатли оилаларда соғлом турмуш ва зурриёдлар дунёга келишини англатмоқ фойдадан ҳоли бўлмас.

Сир эмаски, фарзандларга қулоққа айтиладиган гаплар ҳақида сўзлаш уят саналади. Ўйлаймизки, қизларга алоҳида, болаларга алоҳида машғулотлар ўтказиш пайти етди. Керак бўлса, мутахассислар мулоқотларини уюштириш фойдалироқ. Акс ҳолда ёшлар бу борада «савод» оширолмай, балоғатни қаршилайдилар. Телевиденеда бир карра «зино» ҳақида мулоқат уюштирилганда кўпчиликнинг ҳайратга тушгани ҳам шундан. Яшириб ҳам нима қиламиз, билиб-билмай йўл қўйилган зино, зинокорлик бор. Бундай иллат эса соғлом авлод кушандаси эканлигини ёшларга ким тушунтиради? Ҳар қандай иллатнинг боши бузуқлик эмасми? Зино — гуноҳи азим. Тангри бундай қилмиш учун уларнинг отаоналарини билмаган дардларга мубтало қиларкан. Нега энди Бухорийда қон босими, Ибн Синода қанд касали, Термизийда сариқ ва бошқа алломаларда юрак ёки нафас қисиши каби унсурлар бўлмаган. Ҳозир, бедаво дардлар қанча. Шунинг учун боболаримиз мероси «Ашъёлар ҳосиятлари», «Муошарат одоби», «Оила» каби рисолаларни дарслик ўрнида кўриш фойдадан ҳоли эмас. Чунки, ўз даврида соғлом авлод ҳақида қайғурган соҳибқирондан ўгит қолган: «Ўғилларим, набираларим ва яқинларимга бирон томчи шароб ичиб, хотинларига яқинлашишни ман этдим. Зеро, шаробнинг таъсирида дунёга келган фарзанд насл-насабининг бузилишига таъсир этгай, дебон шу покиза йўлни тутдим». Биз эса ёшларга нафақат ичкиликнинг зарари, умр оғуси, авлодлар пушаймони гиёҳвандлик ҳақида ҳам етарлича маълумот беряпмиз, дейиш қийин.

Ватан қудрати фарзандларимиз саломатлигига боғлиқ. Уларнинг униб-ўсишлари, билим олишлари учун барча шароитлар муҳайё. Мактаб, коллеж, лицей, институт, магистратура... Юрт ишончи, умиди бўлган ўғил-қизлар хорижда ўзбек фарзандлари нималарга қодирлигини амалда кўрсатишмоқда. Йўлбошчимиз таъбири билан айтганда: «Одамларимиз, жамиятимиз мафкурасида Ватан, юрт ғояси устувор бўлмоғи керак. Миллий ғурур, миллий ифтихор ҳар қандай ишимизнинг пойдевори бўлмоғи керак». Шундай, кўнгил мулки зоҳирий ва ботиний кечинмаларимиз ҳосиласи. Агар келажаги буюк давлат ворислари бўлмиш соғлом авлод қувваи ҳофизасини қанчалик бойитсак, кўнгил ҳазинасидан шунча кўп одам баҳраманд бўлғусидир.

■ **Ҳайдар НОСИРОВ**

«ОБУНАЛОТО» ЎЙИНИ ТАРТИБИ

Муштарий газетада чоп этилган чиптани қайчи билан қирқиб олади ва ундаги 12 ой рақамлари тагидаги 12 бўш катакка биттадан (бир хонали) рақам ёзиб чиқади. Сўнгра яшаш, ишлаш ёки ўқиш жойини, исми ва фамилиясини аниқ-равшан ёзиб, яқинидаги почта алоқа бўлимига ёки жамоатчи матбуот тарқатувчиларга топширади. Почта алоқа бўлимидаги масъул шахс тўлдирилган чиптани кўздан кечириб, тўғрилигига ишонч ҳосил қилгач, муҳр босиб имзо чекади. Бунинг учун муштарийдан ҳар бир чиптага 100 сўм ҳақ олинади. Бу «Обуналото» билетининг баҳоси ҳисобланади. Чиптанинг мижозга қайтарилган қисми ютуқлар тиражида қатнашувчи расмий ҳужжат бўлиб қолади.

Ютуқлар тиражи 2000 йил 1 июнда ўтказилади. Қурьа ташлаш йўли билан аниқланган олти хонали рақам газетада эълон қилинади. Чиптадаги ўн икки хонали рақамнинг охирги олтитаси, бештаси, тўрттаси, газетадаги рақамга мос келса — ЮТУҚ ҳисобланади. Масалан, муштарий ўз чиптасига 664943208754 рақамини ёзган, дейлик. Газетада ютуқ рақами 208754 деб эълон қилинди. Бунда чиптадаги ўн икки рақамнинг кейинги олти рақами ютуқ рақамига мос тушяпти. Шу чипта соҳиби энг катта ютуқга — «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана», «Осиё бозори» газеталаридан бирига 6 ой бепул обуна бўлиш ҳуқуқини қўлга киритади. Беш рақамни (08754) топганлар — 3 ой, тўрт (8754) рақамни топганлар — бир ой ушбу газеталардан бирини бепул олиб турадилар. Охирги уч рақами (754) тўғри келганларга эса тираж комиссияси имкониятга қараб махсус ютуқлар тайинлаши мумкин. Шу боисдан уларни ташлаб юборишга шошилманг.

ТАРБИЯВИЙ ТАДБИР

Яқинда Хатирчи тумани Халқ таълими бўлимига қарашли болалар боғчалари ўртасида «Соғлом авлод йили»га бағишланган «Тарбиячи—2000» кўрик-танлови бўлди. Танловни ТХТБнинг мактабгача тарбия услубшуноси Шаҳодат Солиева уюштирди. Тумандаги барча боғча тарбиячилари йиғинда фаол қатнашдилар. Айниқса, «Юлдуз» болалар боғчаси тарбиячиси Нодира Усмонованинг чиқиши бошқаларидан ажралиб турди. Унинг билимдонлиги, ўз соҳасининг устаси эканлиги жажжи болакайлар билан биргаликда яратган саҳна кўринишларида намоён бўлди.

■ **Хадича ТЕМИРОВА, тарбиячи**

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ЙЎЛ ЙЎҚ ЭКАН»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2000 йил 11 март сонида чоп этилган «Йўл йўқ экан» сарлавҳали танқидий мақола А. Икромов жамоа ширкат хўжалиги кенгашида маҳалла оқсоқоллари ҳамда қишлоқ фуқаролари иштирокида муҳокама қилиниб, Хонобод қишлоғига кираверишдаги ариқ ва зовурга — қабристонга ўтиш учун кўприк қурилиб, дарвозаси тикланди.

■ ***Қарши тумани ҳокими С. ХАЙРУЛЛАЕВ***

«ЕРТЎЛАДАГИ КУТУБХОНА»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2000 йил 5 февраль сонидаги «Ертўладаги кутубхона» сарлавҳали мақола юзасидан Фарғона тумани ҳокимлиги махсус комиссия тузиб, масалани атрофлича ўрганди.

Ҳақиқатдан мақолада билдирилган танқидий фикрлар тасдиқланди ва тез кунда кутубхона қишлоқ фуқаролар йиғини ертўласидан 19-мактабнинг кенг, ёруғ хонасига кўчириш режалаштирилди.

■ ***Фарғона тумани ҳокими Т. ЭГАМБЕРДИЕВ***

ХДП ХАБАРИ

КУН ТАРТИБИДА: ДАСТУР ВА НИЗОМ ТАРҒИБОТИ

ЎзХДП Мирзо Улуғбек туман кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.

Унда ЎзХДП III қурултойи якунлари ва сайловлар натижалари кўрилди. Туман Кенгаши биринчи котиби Раъно Сатторова маъруза қилди.

У ўз маърузасида қурултойда қабул қилинган янги Дастур ва Низомнинг аҳамиятига, уларни бошланғич партия ташкилотларида ўрганиб чиқиш ва аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишга батафсил тўхталди.

Маърузачи мамлакатимизда бўлиб ўтган сайловлар натижаларига ҳам тўхталиб, туман кенгаши фаолиятига танқидий ёндашди ва келгуси сайловларга ҳозирданоқ тайёргарликни бошлаш зарурлигини айтди.

Музокараларда айниқса, Сув муаммолари институти директори, профессор Эрназар Маҳмудов ва академик Жўра Абдуллаевларнинг киритган таклифлари қимматли бўлди.

Эрназар Маҳмудов йиғилишдан келиб чиқиб ёшларнинг онгига янги ғояларни чуқур сингдириш ва партиялар айнан шу ишда сардор бўлиши керак-лигини алоҳида таъкидлади.

Партия ишида фаол қатнашиб келаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зокиржон Султоновга, «Ўзавтойўл» уюшмаси бўлим бошлиғи Бердимурод Зоҳидовга, Тошкент давлат консерваторияси хотин-қизлар қўмитаси раиси, бошланғич партия ташкилоти котиби Фазилат Шукуровага, «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлими раиси, «Оққўрғон» маҳалласи оқсоқоли Баҳодир Қосимовларга ЎзХДП Тошкент шаҳар ва Мирзо Улуғбек туман кенгашларининг Фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Шунингдек, пленумда ташкилий масала кўрилди. Мирзо Улуғбек туман партия кенгаши ташкилий бўлим мудири бўлиб ишлаб келаётган Нодира Зокирова туман партия кенгашининг иккинчи котиби этиб сайланди.

■ **Ҳамид АБРОРИЙ**

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

ТАРИХИМИЗ САҲИФАЛАРИ

1991 — 2000

1996 ЙИЛ

16 январь. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида партия нашрлари журналистлари билан учрашув бўлиб ўтди. Йиғилишда «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари, «Мулоқот» журнали, Қорақалпоғистон республикаси, Жиззах, Наманган, Самарқанд вилоятлари партия кенгаши рўзномалари раҳбарлари ва ижодий ходимларининг бир гуруҳи қатнашдилар. Ўзбекистон ХДП матбуоти жамоалари олдидаги вазифалар ҳақида Марказий Кенгашнинг биринчи котиби маъруза қилди. У журналистлар эътиборини туб ислоҳотлар жараёнини теран таҳлил қилиш, бу йўлдаги тўсиқ ва ғовларни дадиллик билан кўрсатиб, уларни бартараф этишга кўмаклашиш, Ўзбекистон ХДП фаолиятини ҳаққоний акс эттириш, нашрларимиз таҳририятлари ичида мавжуд бўлган жиддий камчиликларга зудлик билан барҳам бериш чораларини кўриш зарурлигига қаратди.

27 январь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши XV пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов «Мамлакатимиздаги ислоҳотларнинг янги босқичи ва Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг вазифалари тўғрисида» маъруза қилди. Унда маърузачи ХДП ташкилотларининг Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари Кенгашлари сессияларидаги нутқларида, мамлакат Олий Мажлиси IV сессияси, 1995 йил ноябрь — декабрь ойларида ўтказилган бошланғич партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари, Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашларининг пленумлари якунларидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида сўз юритди.

1 февраль. Матбуотда Республика Олий Мажлиси IV сессияси ҳужжатлари, Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг мазкур сессияда сўзлаган нутқини Ўзбекистон ХДП ташкилотларида ўрганиш бўйича ўтказиладиган машғулотларнинг намунавий режаси чоп этилди. Шунингдек, Республика Олий Мажлиси IV сессияси ҳужжатлари, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг мазкур сессияда сўзлаган нутқида баён этилган хулоса ва қоидаларни тарғиб-ташвиқ қилишга доир маърузалар, мулоқотлар, суҳбатлар, илмий-амалий анжуманларнинг намунавий мавзулари тақдим этилди.

(Давоми бор).

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ОЛАМ

СИРЛИ КЕНГЛИК

Яқинда баъзи илмий-оммабоп адабиётлар ва ойномаларнинг саҳифаларида зўр бериб сайёрамизнинг узоқ тарихида ер юзида ягона дин бўлиб, барча одамлар бир тилда сўзлашишган ва уларнинг ягона маданий маркази бўлганлиги ҳақидаги ғояни ўртага ташлаган мақолалар ёритишганди.

Агар ўша фикрлар тўғри бўлса, улар қандай одамлар эди, бундай маданият маркази ер шарининг қаерида жойлашган эди? Бу савол менга тинчлик бермай қўйди. Инсоният тарихига назар ташлар эканмиз, бундай маданият ўчоғи бўлган ва у сайёрамизнинг фақат шимолий ярим шарида, шимолий кенгликнинг 30-чи ва 40-чи параллелларининг оралиғидаги ерларда жойлашган, деб фараз қиламан. Чунки бу кенгликда ер шарининг геомагнитли майдони бошқа ерларникига нисбатан кучлидир. Гринвич обсерваториясидан ўтувчи «нулинчи» меридиандан шарққа қараб, қадимий давлатларга фикран саёҳатга чиқайлик.

Шундай қилиб биз шарқий узунликнинг биринчи даражаси кенгликнинг 30-чи параллелидамиз. Шимолий Африка чўлларини босиб, олам етти мўъжизасининг бири бўлмиш Миср қуббаларини кўрамиз. Бундай қуббалар Мисрда жуда кўп, аммо улуғ Хеопс ягона бўлиб, у Шимолий ярим шарнинг нақд 30-чи параллелида қад кўтаргандир.

Хеопс қуббасининг пойдеворидан, то тепа қиррасигача бўлган баландлиги Ердан то Ойгача бўлган масофанинг янглишмасам, триллиондан бир улушига тенг бўлиб, қуббага иқлимий ва геологик жараёнлар таъсир этмаган. Ястаниб ётган Гизи чўли қумликлари устида виқорли Сфинкс ҳайкали Қадимий Подшолик пайтида (яъни Фиръавн Хефрен подшоҳлиги пайтида) бунёд этилган бўлиб, тарихий манбаларда бу санани бизнинг эрагача тахминан 2500 йил атрофида деб кўрсатилади. Аммо америкалик геолог Р.Шохнинг таъкидлашича, Сфинкс икки босқичда, бундан 5 минг ва 7 минг йиллар аввал қурила бошлаган экан. Чунки бу обидаларни ташкил қилган тоғ жинслари икки хил бўлиб, айнан ўша даврларга мос келади.

Нил дарёси қирғоқларидаги шу давлатларга келамиз. Маълумки, 5- ва 4-минг йилликларда дунёда биринчи бўлиб Нил водийсида деҳқончиликка асос солинган. Давлатнинг иқтисодий кўрсаткичи деҳқончиликка боғлиқ бўлганлиги сабабли ҳар йили ўта аниқлик билан дарё тошкининг ўлчамлари қайд этиб борилгандир.

Ўрта Подшолик даврида бу ерларда жаҳонда биринчи бўлиб аёллар касаллигини даволовчи шифохона ва моллар касалхонаси очилган. Қадимий даврлардан бошлаб Миср табиблари инсон бош миясидаги зарарли ишш ёки безларни бурун катаги орқали операция қилиб олиб ташлаганлар. Миср ҳакамлари ўша пайтдаёқ киши танининг барча аъзолари фаолиятининг ишдан чиқиши, бош миянинг яхши ишламаслигига ёки унинг шикастланганлигига боғлиқ, деб ёзиб қолдиришган. Бундан ташқари Мисрда биринчи бор ернинг харитаси чизилган, чўл шароитида олиб борилган кончилик ишларининг сувратлари тасвири туширилган. Қуёш нуридан фойдаланилган чўнтак соатлари кашф этилган.

Нилдан сўнг, Арабистон чўлидан кейин, Қизил денгизнинг юқори нуқтаси бўлган Сувайшга келамиз. Манбалардан маълум бўлишича, Мусо Алайҳиссалом яҳудийларни Мисрдан олиб кетаётганида худди шу ердан-Қизил денгизни кечиб ўтган дейишади. Синай ярим оролини босиб ўтиб, шарқий узунликнинг 35-даражасига бориб етамиз. Бу ердан шимолга қараб 150 километр масофада эса жаҳоннинг уч қудратли динининг зиёратгоҳлари жойлашган. Бу Қуддус-Иерусалим, Исо Алайҳиссалом туғилиб ўсган Вафлеем ва Назарат шаҳарларини кўрамиз.

Шимолий кенгликнинг 35-параллели ва шарқий узунликнинг 36-даражаси кесишган ерда жаҳон қадимий маданияти тарихида муҳим бўлган Байрут ва Дамашқ шаҳарлари бир-биридан 350 километр узоқликда жойлашгандир.

Иордания ва Саудия Арабистони чўлларини босиб ўтиб, шарқий узунликнинг 45-даражасида тўхтаймиз. Бу узунликнинг 30-параллел билан кесишган ерида шимолга қараб 200 километрли масофада қадимий Бобил, шимолий кенгликнинг 34-параллелида эса афсонавий Боғдод намоён бўлади. Икки дарё оралиғида жойлашган қадимий Бобил маданиятининг ривожига Марказий Осиё ҳудудидан кириб келган шумерлар улкан ҳисса қўшишган. Улар бизнинг эрамизгача 4-минг йилликнинг ўзидаёқ Бобилнинг асосий аҳолисини ташкил этишгандир.

Шумер халқининг миллий қаҳрамони Гилгамеш Уреп давлатининг подшосидир. У Завсуд исмли афсонавий қаҳрамон билан учрашиш ниятида дунёнинг бошқа бир чеккасига сафар қилади. Унга Завсуд бутун дунёни бир вақтлар сув босиб кетганлиги ва ўзининг зўрға қутилганлиги ҳақида ҳикоя қилиб, одам абадий умр кўриши ёлғонлигига Гилгамешни ишонтиради. Шунга қарамай, у одамни қариликдан асраб қолувчи сирли ўсимликни топишда Гилгамешга ёрдам беради. Ўз юртига қайтиб келган Гилгамеш бу гиёҳни ўз халқи билан баҳам кўришга қарор қилади.

Бобил математикаси аждоддан-аждодга мерос бўлиб келаётир. Шумерлардан қолган сон тизими бизнинг кунимизгача айланани 360 даражага, дақиқани 60 сонияга, соатни 60 дақиқага бўлган ҳолда етиб келган. Бу тизимни ҳалигача ҳеч ким инкор этишга ё ўзгартиришга илмий асос топа олмайди.

Форс қўлтиғига — Ефрат дарёсининг денгизга қуюлиш ерига чиқамиз. Сал нарида Боғдод бўй кўрсатгандир. Минг йиллар бурун Ҳалифа Хорун ар Рашид бу шаҳарда жаҳон маданиятида юксак ўрин тутган Боғдод фанлар академиясини «Байтул Ҳикмат»ни ташкил қилди. Математика фанининг султони ал Фарғоний, алгебра фанининг асосчиси ал-Хоразмийлар шу муқаддас даргоҳда ишлаганлар.

Форс қўлтиғидаги денгиз қирғоқлари Эрон, сўнгра Марказий Осиё мамлакатларининг жанубига келамиз. Бу ерда Зардўштийлар динининг Авасту қонунияти яратилган. Бу дин ариялик бўлмаганлар (яъни паст ирқлар) ва бошқа дин вакилларини камситган. Эрон тилида гапирувчи ўтроқ халқнигина Авасту — ариялик деб қабул қилинган.

Афғонистон, Покистон, қадимий Ҳиндистон хусусида фикр юритамиз. «Маҳабҳарата»да айтишларича, худди шу ерда Арджунатага шаҳсан Кришнадан ваҳийлик бўлган. Бу ерда Начравив ва Пандвив қилич солиб жанг қилган. Брахманларнинг ёзиб қолдиришича, ҳозирги бизнинг давримизнинг ҳисоб йили худди шу ердан бошланган экан. Жаҳон маданиятининг гултожи Султон Бобур авлодлари қуриб қолдирган улуғ Тож Маҳал қаср ансамблидир. Тож Маҳал жаҳон меъморчилигининг энг дурдона гавҳари ҳисобланади.

Тошқин Ганга дарёсининг бошланиши Ҳимолай тоғларидаги улкан дарё Брахмапутранинг ирмоқлари, 30-параллелдан 200 километр жануброққа тушсак, давлатчилик тарихида бирор жангу жадалда енгилмаган, жанговар Непал қироллигига келамиз. Дунёдаги энг баланд тоғ чўққиси Жамолунгма (Эверест) ва жаҳон буддизмининг маркази — Лҳас жойлашган. Айнан шу кенгликда жойлашган Непалда қад кўтарган Жамолунгма тоғ тизмасининг ғорларида будда зиёратгоҳларининг таърифи машҳурдир. Инсон оёғи етмаган, осмонўпар чўққиларнинг бирида черковга айлантирилган шундай бир ғор борки, у ерда яшовчи будда умматларининг ҳар бири уч юз — тўрт юз ёшга етган деган қарашлар ҳам бор.

Хитой. Шимолий кенгликнинг 30-ва 40-параллеллари орасида Хитойнинг улуғ Янцзы дарёси оқади. Бу дарё соҳилларида туриб улуғ даҳо Конфуций дунёнинг тақдири ҳақида бош қотирган. Бу ерда Чжан Хэн (78—139 йиллар) биринчи сейсмографни ва биринчи осмон глобусини ишлаб чиқди.

Кузатишларимизни Шарқий Хитой денгизи орқали Япония ороллари давом эттирайлик. Шимолий кенгликнинг 32-параллели ва Шарқий узунликнинг 130-даражасида янги Нагасаки ва ундан 100 километр жануброқда, шимолий кенгликнинг 35-параллели ва шарқий узунликнинг 133-даражасида янги Хиросима шаҳарлари жойлашган. Чунки бу шаҳарлар шонли жаҳон урушидан сўнг, ядро бомбаси халокатидан сўнг қайта қурилгандир.

Ушбу параллелларни шарққа қараб чўзсак, Гавай архипелагининг Мидуэй оролидан ўтади. Шимолий Америкада эса бу параллеллар Мексика ҳудудидан — худди Миср қуббаларига ўхшаш юзлаб қуббалар тикланган қадимий ацтеклар ватанидан ўтар экан.

Яна олдинга сурилар эканмиз, биз замонавий Хьюстон штатига етамиз. Бу ерда, айнан 30-параллел чизиғи ўтган ерда АҚШнинг космик изланишлар маркази жойлашган.

Ғаройиб саёҳатимизни давом эттирар эканмиз, биз Атлантикага, «сирли» Бермуд учбурчагига тушмаслигимизнинг иложи йўқ. Бу, даҳшатли ва сирли Бермуд ороллари ҳам худди шу 30-параллелда жойлашган. Бундан ўтиб оромбахш Канар ороллариға чиқамиз. Айтишларича, у бир вақтлар сувнинг остида қолиб кетган ғаройиб Атлантида тоғларининг сувдан чиқиб қолган қоялари эмиш.

Ва ниҳоят Шимолий Африка. Ернинг сирли икки параллеллари орасидаги гирди бўйлаб қилган фикрий саёҳатимиз поёнига етади.

Бундан қандай хулоса қилишимиз мумкин?

Қадимий жаҳон маданиятининг барча марказлари шу икки параллел орасида жойлашган ерларда ривож топган. Бу марказларнинг пайдо бўлишлари ва ривожланишлари тарихий бир даврга тўғри келадики, гўё маданият уруғини кимдир бу ерларга сахийлик қилиб сочгандек. Жаҳон маданиятининг буюк даҳолари ижодида бу марказлар ўзига хос бешик, мактаб, академия бўлиб хизмат қилгандир.

Иккинчи томондан, бу икки параллел оралиғида жойлашган ҳудудларда ғайриоддий воқеа, ҳодисалар кўп рўй беради. Сирли Бермуд учбурчагининг шу кенгликда жойлашуви мисли кўрилмаган кучдаги цунаминларнинг, бўрону, довулларнинг, доимий ер қимирлашлар ва бошқа фалокатларнинг худди шу кенгликда бўлиб ўтиши ҳам ҳамон инсониятга жумбоқлигича қолаяпти.

Шу ўринда «жаҳон маданияти маркази» жойлашуви хусусида фикр юритар эканмиз, қуйидаги мулоҳазага боришимиз мумкин:

Марказнинг космосга боғланувн масаласи. Бунда ўзга сайёраликлар ерга яқинлашганда талофатга учрайдилар (масалан, «Тунгус» метеорити). Ернинг ўзига боғлиқлиги. Шу параллеллар оралиғида жойлашган қадимий маданият фалокатга учраган. Физикавий қонунларга боғланувн. Бу кенгликлар электромагнитли (ёки бошқа бир турдаги) тўлқинли қувват чиқарадиган манба бўлиб, у инсонларнинг онгига, психологиясига, ижодий қувватига кучланиш беради. Бу қувват инсонларнинг жисмоний, интеллектуал ва психологик фаолиятини кучайтиради. Албатта, бу фаразларимиз ҳали фанда ўз исботини топганича йўқ. Дунёнинг ҳали биз билган ва билмаган хилқатлари кўплигидан шоҳид, холос. Сирли бу кенгликнинг сирлари ҳам шулар сирасига киради. Зотан, инсоният тараққиёт йўлида изланган сари оламнинг мураккаблигига ишончи орта боради.

■ **Аъзам АЗИМОВ,**
техника фанлари доктори

ЎҚИНГ, БУ ҚИЗИҚ

БУЗҒУНЧИ... БУНЁДКОР

1939 йилнинг апрелида Гитлер шахсий меъмори Шпеердан Ғалаба дарвозасининг андозасини тиилган кунига совға сифатида олади. Бу янгилик эмасди, бўлғуси улкан иншоотнинг илк улгуларининг Гитлернинг ўзи 1925 йилдаёқ чизган, аммо совғанинг аҳамияти шундаки, икки ҳафтада «учинчи рейх» қўшинлари қаршиликсиз Прагани забт қилгандилар. Демак, фюрер қувонишига асос бор — дунёни ҳайратда қолдирадиган иншоотлар қурилишини бошлаб юборишги» шу даражада эдики, унга ҳатто, Миср эҳромларининг салобати ҳам тинчлик бермайди. У Шпеерга айтади: «Бизлар қурадиган улкан иншоотларни одам боласи мана тўрт минг йилдан буён қура олаётгани йўқ. (Хеопсс пирамидасига ишора). Улар қурилгач ер юзида камида ўн минг йил қад ростлаб турадилар».

Берлинни ана шундай иншоотлар билан улкан шаҳарга айлантириш режаси тинчлик даврида ишлаб чиқилган. Бу лойиҳа тўлалигича 1950 йилда якунланиши фурсати етди...

Париж шаҳрида Наполеон қурдирган Ғалаба дарвозасининг баландлиги эллик метр, холос. Берлинда бунёд этиладиган бу зайлдаги дарвозанинг баландлиги эса 120 метр бўлиши керак!

Ёки шахсан Гитлер кўрсатмаси билан Шпеер яратган Ғалабалар хиёбонининг узунлиги беш километр, эни 120 метр бўлиши керак. (Хиёбон айнан улкан Дарвоза билан якунланиши кўзланган). Парижда Наполеон қурдирган хиёбон узунлиги атиги икки километр!

Булар фақат бошланиши. Нюрнбергдаги Фахрий минбар Нью-Йоркдаги Озодлик ҳайкалидан нақ 14 метр баланд бўлади. Худди шу шаҳардаги улкан стадион Римдаги йирик стадиондан уч марта улкан бўлади. Гамбургдаги осма кўприк ёнида Сан Францискодаги шундай кўприк болалар ўйинчоғи бўлиб қолиши керак. Баҳайбат йиғинлар зали гумбази остига Вашингтондаги Капитолий, Римдаги муқаддас Пётр ибодатхоналари бемалол сиғиши шарт!

Гитлердаги «буюклик хасталиги» шу даражада эдики, унга ҳатто, Миср эҳромларининг салобати ҳам тинчлик бермайди. У Шпеерга айтади: «Бизлар қурадиган улкан иншоотларни одам боласи мана тўрт минг йилдан буён қура олаётгани йўқ. (Хеопсс пирамидасига ишора). Улар қурилгач ер юзида камида ўн минг йил қад ростлаб турадилар».

Берлинни ана шундай иншоотлар билан улкан шаҳарга айлантириш режаси тинчлик даврида ишлаб чиқилган. Бу лойиҳа тўлалигича 1950 йилда якунланиши

Оран — Жазоирнинг катталиги ва аҳолиси жиҳатдан иккинчи ўринда турадиган шаҳри.

МУЗОКАРА ЎТКАЗИШМОҚЧИ

Молдова ҳукумати кенг кўламда норозилик намойиши ўтказаётган талабалар билан музокара ўтказишга розилик билдирди. Бош вазир Думитру Брагиш ва талабалар етакчилари ўртасида шундай келишувга эришилди. Шу муносабат билан талабалар норозилик чиқишларини вақтинчалик тўхтатишга қарор қилди.

ҚАТТИҚ ТАШВИШ

БМТ Бош котиби Кофи Аннан Зимбабведаги вазиятдан қаттиқ ташвишда ва бу ерда содир бўлаётган воқеаларни диққат билан кузатиб бормоқда. Бу ҳақда Бош котибнинг расмий вакили Фред Экхард маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, мазкур ҳафта К.Аннан Зимбабве Президенти Роберт Мугабе билан икки бор телефон орқали мулоқотда бўлган. Ушбу суҳбатлар чоғида Зимбабве раҳбари уни мамлакатдаги вазият барқарорлашаётганига ишонтирган.

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БОСҚИЧ

АҚШ Президенти Билл Клинтон Оқ уйда Фаластин маъмурияти раҳбари Ёсир Арафот билан учрашди. Ушбу учрашувдан мақсад Фаластин билан Исроил ўртасида тинчлик шартномаси белгиланган муддатда имзоланишига ёрдам кўрсатишдир. Б.Клинтоннинг сўзларига қараганда, бугунги кунда Яқин Шарқ муаммосини ҳал қилиш жараёнида ҳал қилувчи босқич вужудга келган. Шунинг учун америкалик воситачилар бу борада янада фаолроқ ҳаракат қилишни мўлжаллаяпти.

ИМЗО БИТТАГА КЎПАЙДИ

Кимёвий қуроллар ишлаб чиқариш, сақлаш ва қўллашни тақиқлаш бўйича халқаро конвенцияни ратификация қилган мамлакатлар сони яна биттага кўпайди. Малайзия парламенти бу ҳақдаги ҳужжатни тўла маъқуллади. Шу кунгача мазкур конвенцияни 171 давлат имзолаган ва улардан 134 таси ратификация қилган.

МАҲБУСЛАР СОНИ ОРТДИ

АҚШ қамоқхоналаридаги маҳбуслар сони рекорд кўрсаткич — 1 миллион 860 минг 520 кишига етди. Уларнинг 87 мингтини аёллар ташкил этади. Озодликдан маҳрум қилинганлар сўнгги ўн йилда икки баробар кўпайди. АҚШ адлия вазирлиги ҳузуридаги суд статистикаси бюроси тарқатган маълумотномада айтилишича, кейинги йили маҳбуслар сони 2 миллиондан ошиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

АҚШГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Россия ташқи ишлар вазири Игор Иванов расмий ташриф билан АҚШга жўнаб кетди. И.Ивановнинг маълум қилишича, ташрифдан асосий мақсад яқинда ўтказиладиган Россия ва АҚШ президентлари учрашувига тайёргарлик кўришдир.

Ташриф дастурига кўра, И.Иванов БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида ядро қуролларини тарқатмаслик масалаларига бағишланган анжуманда иштирок этади. Шунингдек, унинг БМТ Бош котиби Кофи Аннан ҳамда Озарбойжон, Ирландия, Швеция, Австралия, Германия, Япония ташқи ишлар вазирлари билан учрашуви режалаштирилган. 26 апрель куни эса И.Иванов АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт билан учрашади. Кенгайтирилган таркибдаги Россия — АҚШ музокараларидан сўнг, 27 апрель куни Россия ташқи ишлар вазири АҚШ Президенти Билл Клинтон қабулида бўлади.

ЯКДИЛЛИККА ДАЪВАТ

БМТ Бош котиби Кофи Аннан Камбоджа Бош вазири Хун Сенга юборган мактубида собиқ «полпотчи»ларни суд қилиш борасида икки ўртада вужудга келган келишмовчиликларнинг бартараф қилинишига ишонч билдирди. Бу масаланинг ечимини биргаликда топишга умид қиламан, дейилади мактубда. Айни пайтда БМТ вакиллари ва Камбоджа раҳбарияти собиқ «полпотчи»ларни суд қилиш бўйича якдилликка эришишга ҳаракат қилмоқда.

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Кубанинг Гуантанамо вилоятида қурғоқчилик сабаб фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Мамлакат фуқаро мудофааси хизмати вакилларининг маълумотларига қараганда, вилоятда анча вақтдан буён ёғингарчилик йўқлиги ва жазирама иссиқ туфайли шу кунгача икки юзга яқин қорамол нобуд бўлган. Гуантанамода яшаётган 45 мингдик аҳоли учун ичимлик сувини машиналарда етказиб беришга тўғри келмоқда.

ПАРОМ ЧЎКИБ КЕТДИ

Нигерия жанубий-шарқидаги Немба дарёсида 500 йўловчиси бўлган паром чўкиб кетди. Фожиа оқибатида ўнлаб йўловчи ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган. Йўловчиларнинг асосий қисми аёллар ва болалардан иборат эди. Хабарларга кўра, ҳалокат Нигериянинг Харкорт порти яқинида юз берган. Аслида 200 йўловчига мўлжалланган паромга икки ярим баробар кўп одам чиққан. Табиийки, у ортиқча оғирликни кўтаролмай, ғарқ бўлган.

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

ИМОМ АБУ МАНСУР АЛ-МОТУРИДИЙ ВА УНИНГ ТАЪЛИМОТИ ҲАҚИДА

Юртимиздан чиққан буюк аллома имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида ёзган тарихчилар, минг афсуски, ўз асарларида унинг ҳаёти ҳақида жуда кам маълумотларни келтирганлар. Мана шу муҳтасар битикларга таяниб айтиш мумкинки, унинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Махмуд Абу Мансур ал-Мотуридий ас-Самарқандий бўлиб, аксар манбаларда 870 милодий (256 ҳижрий, унинг туғилган йили ҳақида бошқа саналар ҳам келтирилади) йилда Самарқанднинг Мотурид деган маҳалласида таваллуд топган. Даставвал ўз отасидан турли илмлардан сабоқ олган, сўнгра Самарқанддаги Работи Ғозиён масжиди қошидаги мадрасада таҳсил олган. Абу Мансур ал-Мотуридий 944 милодий (333 ҳижрий) йилда вафот этиб, Самарқанднинг Чокардиза қабристонига дафн қилинган.

Алломанинг ҳаёти ҳақида ҳозирча мана шу маълумотларга эгамиз. Айни вақтда унинг таълимоти ҳақида кейинги асрларда яшаган олиму уламолар томонидан кўплаб маълумотлар ёзиб қолдирилганлигини ҳам мамнуният билан қайд этиш лозим.

Буюк ватандошимиз, энг аввало, калом илми соҳасида том маънода тарихий ишлар қилган бўлиб, ўзига хос мактаб яратган ва бу мактаб унинг табаррук номи билан мотуридийя мактаби (йўналиши) деб аталади.

Калом илмига таъриф берадиган бўлсак, бу илм диний ақидалар ва уларнинг усулларини ақлий далиллар ва исботлар асосида талқин қилиб, улардаги ҳар қандай шубҳали, бир томонлама қарашларга барҳам берадиган илмга айтилади. Калом илми билан шуғулланадиган олимлар мутакаллимлар дейилади.

Имом Абу Мансур ал-Мотуридий яшаган тўққизинчи асрнинг иккинчи, ўнинчи асрнинг биринчи ярми исломий илмлар ва ғоялар гуркираб тараққий қилган бўлиб, бу илм таркибий қисмларидан бирини ташкил қиладиган калом илми ҳам ўз тараққиёт босқичининг айни гуллаган даврига кирган эди. Айни вақтда барча илмлар қатори исломий илмларда ҳам ҳурфикрлилик — ўз нуқтаи назари ва қарашларини далил ва исботларга таяниб эмин-эркин ифода қилиш тенденцияси кучаяди. Бу ҳол ўз навбатида жаҳмийлар, каромитлар, рофизийлар, муржиъилар, карромийлар ва бошқа ҳидоят йўлидан адашган оқим ва гуруҳларни пайдо бўлишига ҳам олиб келганди. Айниқса, бундан анча олдин пайдо бўлиб кўпчилик ўлкалар каби Мовароуннаҳрни ҳам қамраб олган муътазила оқимининг хато қарашлари жамият аъзолари ўртасида хилма-хил зиддиятлар ва ихтилофларга сабаб бўлган эди.

Мана шундай шароитда аҳли сунна ва-л-жамоа (суннийлар) таълимотининг ғоялари ажойиб ютуқларга эришди. Тўққизинчи асрнинг охирларида сунний йўналишдаги имом Абу Мансур ал-Мотуридий Самарқандда, имом Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарий Бағдодда, имом Абу Жаъфар ат-Таҳовий Мисрда муътазила оқими тарафдорларининг асосий қуроли бўлиб келган ақл-идрокка асосланган ҳолда аҳли сунна ақидасини ҳимоя қилиб чиқдилар. Улар ўз нуқтаи назар ва қарашларини асослаш учун, энг аввало, ақлий далил ва исботларга таяниб улкан ютуқларга эришдилар. Имом Абу Мансур ал-Мотуридий шу жараёнда, яъни сунний оқимидаги ҳанафия мазҳабининг асосчиси Абу Ҳанифа ҳазратлари таълимотининг нафақат толмас давомчиси, балки сунний йўналишдаги калом илмининг асосчиси сифатида шуҳрат қозонган. У, агар таъбир жоиз бўлса, аҳли сунна ва-л-жамоа ақидасининг ғалабасига ақл-идрок воситасида эришган буюк алломадир. Мавриди келганда айтиш керакки, имом ал-Мотуридийгача калом илми фақат нақлга (ривоят, ахборот) таяниб ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган. Имом ал-Мотуридий илгари сурган калом илмини кузатар эканмиз, у асосан иккита асосий манбага: ақл ва нақлга таяниб иш тутганини, агар фикримизни аниқроқ айтадиган бўлсак, у ўз назариясини мана шу икки манба ўрталиғида (арабча тавассут) яратган. Бинобарин, муборак ислом динимиз таълимотларида ҳам диний, ҳам дунёвий ишларда ўртача бўлишлик ғояси илгари сурилган. Бу ҳикмат ҳам бежиз айтилмаган.

Имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг калом илмидаги бу ғоялари унинг бизгача етиб келган икки йирик асари — «Китоб ат-Тавҳийд» ва «Китоб таъвилот аҳл ас-сунна»да (бу асар «Таъвилот ал-Қуръон» деб ҳам юритилади) батафсил баён қилинган. Умуман олганда, тарихий манбаларда зикр қилинишича, имом ал-Мотуридийнинг қаламига мансуб асарларнинг сони ўн бештага етади. Юқорида номлари келтирилган икки асаридан ташқари имом ал-Мотуридийнинг илмий-маънавий меросида ўша даврда фаолият кўрсатиб диннинг асл мазмун-моҳиятини нотўғри талқин қилиб, эътиқод, билиш (маърифат) масалаларида чалкаш ва хато қарашларга эга бўлган турли оқим ва гуруҳларга қарши раддиялар билдириш асосий ўринни эгаллайди. Аллома ўринда Қуръони Каримнинг «Бақара» сурасининг 143-оятидаги «Шунингдек (яъни ҳақ йўлга ҳидоят қилганимиз каби) Сизларни ўрта (адолатли) бир миллат қилдик» деган ибораларни келтириш ўринлидир. Халқ ўртасида кенг тарқалган «хайр ул-умур авсотуҳо» («ҳар бир ишнинг ўртачаси яхшидур») деган азалий асарларининг номлари ҳам уларнинг мазмун-моҳиятини ифода этади. Масалан, «Китоб радд аъло-л-қаромита», «Китоб баён ваҳм ал-муътазила», «Китоб радд усул ал-хамса ли-Аби Муҳаммад ал-Боҳилий», «Китоб радд авоил ал-адиллат лил-Каъбий», «Китоб радд ал-имомат ли баъз равофиз» ва бошқа асарларни кўрсатиш мумкин. Лекин шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, имом ал-Мотуридий ўз рақиблари билан мунозара қилиб уларга раддия берганда ҳар доим исломий одоб-ахлоққа оғишмай риоя қилган ҳолда ғоятда андиша ва камтаринлик билан айни вақтда ўз нуқтаи назарини собитқадамлик ва қатъият, изчил ҳимоя қилган тарзда олиб борган.

Тавассут (ўртасида бўлиш) ғояларини амалга ошириш учун ақл ақҳомларини ҳам, нақл ақҳомларини ҳам мукаммал билишлик талаб қилинган. Имом ал-Мотуридий мана шу талабларга тўлиқ жавоб берган, ақл ва нақлга асосланган ўз қарашларини ғоятда адолат юзасидан баён қилган. Ўзи илгари сурган ғояларга мана шу мезондан ёндошиб, фикрий (ғоявий) мустақилликка ҳам алоҳида эътибор берган, қандайдир бирор тоифа ёки оқимга оғиб кетиш ёки оз бўлсада мутаассиблик изҳор қилиш каби иллатлардан узоқ бўлган.

Билим (маърифат) назарияси калом илми билан шуғулланган олимларнинг ҳар доим ҳам диққат-эътиборида бўлган. Лекин шу билан бирга алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу масала билан илмий асосда жиддий шуғулланганлардан бири Абу Мансур ал-Мотурийдир. Унинг қаламига мансуб иккала йирик асар — «Китоб ат-тавҳийд» ва «Таъвилот аҳли ас-сунна» ҳам дастлабки қисмларидаёқ билим назариясига бағишланган. Айниқса, буюк алломанинг «Китоб ат тавҳийд» асари калом илмидаги билиш назариясига бағишланган энг дастлабки манба бўлиб, ушбу масалани ғоятда нафис услубда ифода этади. Имом ал-Мотуридий таълимотига кўра билишнинг учта асосий манбаи бор: — ҳиссий (сезги) аъзолар воситасида, нақл — ривоятлар воситасида ва ақл-идрок воситасида. Мавриди келганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, имом ал-Мотуридийнинг билиш назариясида ақл-идрокнинг алоҳида ўрни бор.

Гарчанд имом ал-Мотуридий бир қатор исломий илмларда сезиларли муваффақиятлар қозонган бўлса-да, лекин унинг ислом динининг равнақига қўшган улкан ҳиссаси калом илми соҳасидаги таълимотидир. Чунончи, имом ал-Мотуридий ҳанафия маҳзабининг асосчиси Абу Ҳанифа ҳазратлари асослаган назарияга таянган ҳолда барча амалларни — меъёрлар, эътиқодлар, қоидалар, фаолиятларни Оллоҳ яратади, лекин уларга муносабатни инсон ўз инон-ихтиёри билан амалга оширишлигига ишорат қилади. Мана шу жараёнда инсоният учун имом ал-Мотуридийнинг «афъоли ихтиёрий» бўлишлиги, яъни «инсонда ирода эркинлиги мавжуд» деган фикри ғоятда долзарб аҳамият касб этади. Бу талқин гарчанд барча ишлар Оллоҳ таоло томонидан муқаддар (тақдир) этилган бўлса-да, лекин инсоннинг баъзи ишларига соҳиби ихтиёрликни ҳам бергандир. Буюк аллома бундан қарийб ўн икки аср муқаддам илгари сурган бу тарздаги илғор ғоялар бир томондан инсоннинг ўз хатти-ҳаракатлари олдида масъуллиги ва эътиқодий жавобгарлигини оширса, иккинчи томондан инсон тафаккури, унинг ақл-идроки ва салоҳиятининг имкониятлари чексиз эканлигини кўрсатади. Имом ал-Мотуридий фаолиятида муборак ислом динининг ҳаётбахш ғояларини бир томонлама ва хато талқин қилган ҳар хил тоифалар ва оқимларга қарши кураш, Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифларга таянган ҳолда асосли раддиялар бериш салмоқли ўринни эгаллайди. Шу боисдан алломанинг ўлмас таълимотлари бугунги кун учун ҳам катта амалий аҳамият касб этиб, ҳидоят йўлидан адашган баъзи бузғунчи гуруҳларни фош этишда муносиб ҳиссасини қўшиши шубҳасиздир.

■ **Убайдулла УВАТОВ,**
Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари

БИР СУРАТ ТАРИХИ

КИМЁГАРЛАР

Мен шогирдларимиз — талабалар, аспирант ва илмий ходимлар билан суҳбатлашганимда ҳамиша устозларимиздан ўрнак олиш, ўрганиш, фанимиз тарихини улардан англаб олишларини маслаҳат бераман. Тарихимизни яхши билган ўқитувчи ва илмий ходимлар миллатимиз руҳиятидаги илмга чанқоқликни ўзига жо қилади, ўқийди, изланади, янгилик яратишга интилади, ёш талаба ва фарзандларини ҳам шу сари йўллайди. Устозлар билан суҳбатлар эса кишига тетик руҳ, юксак маънавият, куч-қувват ва келажакка интилиш бахш этади. Яқинда мен устозларимиздан бўлган Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Карим Аҳмедов ва Фанлар академияси мухбир аъзоси Хусни Рустамов билан учрашиб давра суҳбатига чорладим. Суҳбатимизга мана бу сиз кўриб турган сурат сабаб бўлди.

Суратда йигирманчи йиллар охири ва ўттизинчи йилларда Ўрта Осиё давлат университетида билим олган дастлабки миллий кимёгар ёшларимиздан бир гуруҳи акс эттирилганлиги, улар тақдири ва фанимиз ривожига қўшган ҳиссалари бизни қизиқтирарди. Суҳбатдошларимдан суратни шарҳлаб беришни илтимос қиламан. Карим ака суҳбатимизни давом эттирадилар.

— 1936 йилнинг баҳорида университетнинг бир гуруҳ талабаларини тақдирлаш борасида Москвага юборишди. Ўзбекистонлик ёшлар шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари, тарихий обидалар, музей, олий ўқув юртлари, театрлари билан танишдилар. Биринчи май намойишида иштирок этадилар ва шу куни биргаликда суратга тушадилар. Ўша пайтларда аспирант бўлган Хусни Рустамов гуруҳга бошчилик қилади.

Устозларнинг расмдаги кўринишларига ишора қилиб:

«Хусни акангизни танияпсизми, қаранг қандай ёш, навқирон бўлганлар, ўша кучқувват, сергаклик, тиниб-тинчимаслик ва доимий ҳаракат у кишига хосдир. Буни ўрганишимиз керак», дедилар. Дарҳақиқат, Карим ака ҳақлар. Иккинчи жаҳон урушидан қайтган Хусни ака Рустамов Тошкент политехника, 1991 йилда ундан ажралиб чиққан кимётехнология институтида физика-кимё кафедрасига раҳбарлик қилди. Талабаларга фан асосларини чуқур ўргатиш билан биргаликда кимё илмида изланди, янгиликлар очди. Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзолигига сайланди. Академияда бўлим бошлиғи ўринбосари бўлиб ишлади. У кўпгина фан номзодлари ишларига илмий раҳбарлик қилди, фан докторлари ишларига маслаҳатчи бўлди, қатор дарслик, ўқув қўлланмалари, услубий кўрсатмалар ёзди. Олим ҳамон меҳнатда, изланишда, ёшлар даврасида. Устозни ҳамма ҳурмат қилади, ўгит ва маслаҳатларини бажонидил қабул қилади.

Карим ака расмдаги Обид ака (раҳматлик)ка разм ташлаб унинг иқтидорли бўлганлигини айтиб ўтдилар. Устоз бир неча йиллар давомида ТошДУга ректорлик ва табиий бирикмалар кафедрасига бошчилик қилган эдилар. Қанчалаб шогирдлар тайёрлаган, талаба ва аспирантларга мароқли маърузалар ўқиган эдилар. Олим умрининг сўнгги йилларида космонавт-фазогирлар билан илмий ва техник ҳамкорликни бошлаган эди. Мана энди, у киши асос солган ва унинг номи билан юритилувчи Фанлар академиясининг Биоорганик кимё институти ходимлари устоз ғояларини амалга оширмоқдалар.

Академик Ҳамдам Усмонов кўп йиллар пахта кимёси ва технологияси илмий-тадқиқот институтига раҳбарлик қилдилар, университет физика-кимё кафедрасида ёшларга дарс бердилар, аспирантларга илмий раҳбарлик қилдилар.

Муҳаммад Ниёзов ҳам университет профессори. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби деган фахрий унвонга эга бўлди. Ўзбекистон маориф министрининг ўринбосари, Ўрта Осиё Индустриал (политехника) институтига анча йиллар ректорлик қилди. Тошкент университети нафақат кадрлар тайёрлаш билан чегараланди, балки халқлар ўртасидаги дўстлик ва қардошликни ҳам ривожлантиришга хизмат қилди.

Мен Карим ака ҳақида икки оғиз сўз айтиб ўтмоқчиман. Олим иккинчи жаҳон урушидан ярадор бўлиб қайтдилар. Тузалгач, университетда доцент бўлиб ишладилар. Илмий ишларини давом эттириб фан доктори, кейинроқ эса академик бўлиб сайлангач, Фанлар академиясининг Кимё институтига директор бўлдилар. Кейин Тошкент политехника институти ректори бўлди. Ректорнинг ҳеч ким билмайдиган дафтарлари борлигини, унда иқтидорли ёшлар — бўлажак фан докторларининг фамилияси, қилаётган ишлари акс этган эди. Дафтарда номлари зикр этилган юзга яқин кишидан 85 таси докторлик диссертациясини ёқлаши фикримиз далилидир. Олим эндиликда Тошкент кимё технологияси институти ректори маслаҳатчиси ҳамда Экология кафедраси илмий консультанти сифатида хизмат қилмоқда. Илмий кенгашлар ишида, аспирант ва докторантларга маслаҳатлар беришда тиним билмайдилар. У киши Республикамиз Президентининг Тошкент давлат университетига «Ўзбекистон Миллий университети» мақоми берилиши тўғрисидаги Фармонини жуда катта хурсандчилик билан кутиб олганликларини айтдилар.

— Мен политехника институтининг кимё-технология факультетида ўқиганман. Устоз ўқитувчиларимиз ичида профессор Ҳаким Раҳимов, доцентлардан Каримулла Ағзамов, Сайдиғози Набиҳўжаев, Башорат Раҳимова ва бошқалар бор эдилар. Университет кимё факультетини тамомлаган ва кейинчалик академик бўлиб етишган Нусрат Парпиев эндиликда институтимизга ректорлик қилаётганлиги қувончли албатта.

Суратда: *(чапдан ўнгга) биринчи қаторда — Аъзам Мирзакаримов. Шокир Қосимов; иккинчи қаторда — Я. Мордухаев. М.И.Ниёзов, Санобар Ҳусанова, Зоя Матейко, Анна Бернштейн, Солиҳ Абдураззоқов; учинчи қаторда —Хусни Рустамов, К.С.Аҳмедов, Ҳ.У.Усмонов, Е.Ю.Пикуль; тўртинчи қаторда — О.С.Содиқов, Е.Кашина ва В.А.Юхновскаялар*

■ **Қудрат ҳожи АҲМЕРОВ,**
профессор

ИСТИҚЛОЛ

Чиқмаганда истиқлолим — қуёшим,
Фитрату Чўлпондек кетарди бошим.
Дуога қўл очинг, азиз инсонлар,
Бор бўлсин доимо жасур юртбошим!

ТИРИКЛИК ФАЛСАФАСИ

Бу дунёга кимлар келиб, кимлар кетмади,
Бир кам дунёнинг ками асло битмади.
Тириклик, молу дунё деб югурдик, елдик,
Барча ишлар чала қолди, умр етмади.

ТЎРТЛИК

Амалга мен талпинмадим ҳаргиз,
Нопок ишга қотилмадим ҳаргиз,
Едим-ичдим, орттирмадим ҳаргиз.
Этагимдан торттирмадим ҳаргиз!

Мажид ҲАСАНИЙ

ОЛИМПИЯЧИЛАРИМИЗ МАҲОРАТИ

Маълумки, боксчиларимиз биринчи марта энг кўп — 10 нафар бўлиб, Сидней олимпиадасига боришга чоғланиб туришибди. Йирик халқаро спорт анжуманига шайликни янада ошираётган йигитларимиз ўз маҳоратларини синовдан ўтказдилар. Улар Туркияда ўтказилган халқаро мусобақада муваффақиятли қатнашдилар. 300 нафар боксчи иштирокида ўтказилган бу баҳсда Руслан Чагаев, Рустам Саидов, Муҳаммадқодир Абдуллаевлар олтин, Алишер Рўзиев кумуш, Шерзод Ҳусанов бронза медаларига сазовор бўлишди.

ЧЕМПИОННИНГ ШАШТИ БАЛАНД

Мамлакат чемпиони — «Дўстлик» футболчилари бу йилги мавсумда ҳам кўтаринки руҳда тўп сурмоқдалар. Улар 8-турда ҳам ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлишди. Сафарда — «Металлург» майдонида ўйнаган чемпионлар дарвозага 3 та жавобсиз тўп киритиб, жами очколарини 20 тага етказган ҳолда мавқеларини янада мустаҳкамлашди. Фақат «Дўстлик» ҳозирча мағлубият нималигини билмай илдамламоқда. Иккинчи ўринда бораётган «Насаф» жамоаси ҳам мухлисларни қувонтирди. Қаршилик футболчилар «Навбаҳор»ни қабул қилиб (3:2), очколарини 19 тага етказишди. «Самарқанд» яна ўзини кўрсатмоқда. Бу жамоа «Нефтчи» майдонида дарвозага битта тўп киритиш билан ғалабани таъминлади. Самарқандликлар 16 очко билан учинчи ўринга кўтарилишди. «Трактор» ҳисобида 14 та очко бор. «Нефтчи», «Зарафшон», «Семург», «Сурхон» ва «Бухоро» жамоалари 13 тадан очко билан кучли ўнликни ташкил этишган.

ТАШКИЛОТ

«ВАЗ», «Москвич», «ГАЗ-24», «ГАЗ-53», «УАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни

сотади

ҲАҚ ТЎЛАШ—ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти доирасида харидорнинг олборхонасигача бепул етказиб бериш мумкин

Манзил

Тошкент, Нукус кўчаси, 29 («Ўзбекистон» маиший хизмат кўрсатиш уйи) — Мўлжал Шимолий темир йўл вокзали.

Телефон: 54-56-11. Факс: 54-56-97 Пейжер: (067) 90-79

Ўзбекистон Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректорати, касаба уюшмаси ташкилоти, умумий гигиена ва тиббий экология кафедрасининг катта ўқитувчиси, тиббиёт фанлари номзоди

Раъно Ариповна АҲМЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

БУ САФСАТА ЭМАС

ТАБИАТ ХАТОНИ КЕЧИРМАЙДИ

Дунё тўрт унсур туфайли мавжуд экан (ер, сув, ҳаво ва олов). Хўш, буларнинг бирортасисиз ҳаётингизни тасаввур эта оласизми? Асло, бундай тасаввурингизнинг мавжудлигига ишонгимиз келмайди. Шундай экан биз онгли инсонлар шундай қутлуғ неъматларни нега қадрламаймиз? Йўқса сув асримиз охирига келиб бу қадар ифлосланмаган, қадрсизланмаган бўлар эди. Боболаримиз сувни увол қилиш — гуноҳи азим дейишади. Минг афсуски, гуноҳдан қўрқмаймиз. Ариқ, анҳор сувларини тоза тутмаймиз, қўлимизга илинган нарсани оқиб турган сувга отиб, унинг пок, равон йўлларига тўғаноқ бўламиз. Сувни эзозлаш керак, деб бир-биримизни огоҳлантирмасдан гуноҳларига шерик бўламиз. Ҳа, албатта, сув ортига оқмайди. Кейинги йилларда ҳамма жойда сув қувурлари орқали крандан оқиб келаётган тоза сувга эҳтиёж кўпайдию, аммо эътибор камайди. Челагимиз тўлса бас, краннинг мурватини бураб қўйсак ҳаққимиз кетиб қолади. Ишимиз битди вассалом, эртага бир гап бўлар. Наҳотки, шунча хайрли ишлар қилаётган кишилар озгина эътиборли бўлмаса, устахонадан битта мурват ясатиб қўйиш қўлидан келмаса?

Табиатни иззат қилган унинг ҳимматини кўради.

Асосан бундай сабабларни қишлоқ туманларида тез-тез учратишимиз мумкин. Масалан, Қува шаҳрининг Қайқубод, Шокирхон Ҳакимий номли марказий кўчаларининг ҳар ҳар жойида кранларни учратишингиз мумкин. Лекин уларни, аянчли, мурвати очиқ ҳолда учратамиз. Сув эса ўз ҳолича оқиб ётаверади. Ахир, айтишган-ку «Денгиз бўйида яшасанг ҳам, сувни исроф қилма», деб. Биз эса бугун беҳуда оқизган шаффоф сувларни эртага чироқ ёқиб қидириб ҳам топа олмаймиз. Табиат асло хатоимизни кечирмайди. У бизнинг бу лоқайдлигимиздан ўч олади. Бунга Орол фожиасини яққол мисол қилиб олсак бўлади.. Ваҳоланки, аҳоли сони йил сайин кўпайиб сув заҳиралари эса камайиб бормоқда. Буни қарангки, бундан бор-йўғи чорак аср олдин республикамиздаги сув миқдори ҳар бир кишига йилига ўртача ҳисобда 6454 куб метрдан сув тўғри келар экан.

Шундай экан, келинг азизлар, энди табиат билан келишиб, табиатни севиб, сувнинг бир томчисини ҳам эзозлаб яшайлик. Сувнинг «Мен инсонни, ер юзини поклайман, мени ким поклайди» деб нолишига йўл қўймайлик.

■ **Санъат МАХМУДОВА,**
журналист

ҲИКМАТЛАР

* Тўрт нарсадан эҳтиёт бўлмоқ керак: тезлик ва шошма-шошарликдан, қаҳр-ғазабдан, бахиллик ва хасисликдан, мақтанчоқликдан ва такаббурликдан.

* Тўрт нарса аҳмоқлик белгисидур; Ўзига бино қўйиш ва такаббурлик, бошқаларнинг айбини қидиришлик, бахиллик, аблаҳдан умидвор бўлишлик.

* Тўрт нарса саодат далилидир; Тўғри сўз, тавозеъ, ҳалол касбу ҳунардаги меҳнат, сир сақлаш.

* Тўрт нарса одамни заиф қилади: Душманнинг кўплиги, қарзнинг кўплиги, хотиннинг кўплиги, сепсиз хотин.

* Нима десам экан деб андиша қилишлик, нега айтмадим деб пушаймон бўлишдан афзал.

КУЛГУ — УМР ЗИЙНАТИ

Шерлок Холмс кулдиради

— Холмс, биласизми, Хитойда яна демографик «кўтарилиш» эмиш.

— Ватсон балки сиз ўша ёққа боришни энди бас қилсангиз «тушармиди».

* * *

— Холмс, сиз мени эшитяпсизми?

— Албатта, Ватсон!

— Нега унда кўзларингиз юмуқ?

— Бугун мен қулоғим билан эшитмоқчиман-да.

* * *

— Холмс! Ўлим — узрли сабабми?

— Сўзсиз, Ватсон!

— Демак, Хадсон хонимнинг ухлаб қолганини кечирса бўларкан.

* * *

— Жаноб Холмс, агар иложи бўлса...

— Иложим йўқ, Хадсон хоним.

— Жаноб Ватсон-чи?

— Унга қатъиян ман этилади.

Газетанинг навбатдаги сони 29 апрель, шанба куни чиқади.

БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Сиёсат — 133-44-55
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Реклама ва эълонлар 133-47-80, 133-38-55,
Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи-дастурчи
Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: *Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 182

Топшириш вақти -- 21.00.
Топширилди -- 21.00.

1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА